

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «29» 8

236-13-190-ОВ/2022- сон

Тўрткўл ш.

Ташкилот: Тўрткўл тумани Оболонлаштириш бошқармаси, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низомлари асосида ,фаолият юритувчи раҳбар: А.Юсупов бир тарафдан, Иккинчи тараф ташкилот: «Хива Халол савдо»МЧЖ (кейинги ўринларда “Бажарувчи”деб юритилувчи)номидан ўзининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбар: Д.Садуллаев пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартномага асосан,Пудратчи” “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан, Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1.090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, тегишли меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда,бажаришни ўз зиммасига олади

“Буюртма” чи ўз навбатида, “ Пудратчи” томонидан, бажарилган хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мазкур шартнома асосида,бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг тафсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

11. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

”Пудратчи” томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин “Буюртмачи” ишларни далолатнома асосида,далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.

”Пудратчи” шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат беради ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

”Пудратчи” хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат даври давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

111. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

Мазкур шартноманинг умумий 1 045 400 000 баҳоси: (Бир миллиард қирқ беш миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил қилади. Шундан. ҚҚС сўммаси 136 356 521,73 сўмни ташкил қилади.

Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган сумманинг 15 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 85 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

” Пудратчи” мазкур шартномага асосан,барча мажбуриятларни қонунга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.

”Пудратчи” шартнома бўйича,хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда бажаради.

”Пудратчи” , кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат беради.

”Пудратчи хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганида, барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

“Пудратчи” нинг ҳуқуқлари:

”Пудратчи” “Буюртмачи” дан , кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб тўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишга.

”Пудратчи” “Буюртмачи”дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни талаб қилишга.

”Буюртмачи” шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида,буюртмачини Қорақалпоғистон Республикасининг Иктисодиёт судига беришга.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

”Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан,кўрсатилган хизматларнинг

ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш.

Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни қонунларга мувофиқ тарзда бажариш.

Шартномага асосан, "Пудратчи" томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

"Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Пудратчи"дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ бажаришини талаб қилиш.

"Пудратчи Курساتилаётган хизматлари давомида, меъёрлар ва нормалардан чекланишга йўл қўйганида, "Пудратчи"ни огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

"Пудратчи" мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганида, "Пудратчи"ни Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судига беришга ҳақли.

V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Пудратчи ўз вақтида буюртмада кўрсатилган хизматларни Бюртмачига ўз бажарилмаган тақдирда, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, Пудратчи Бюртмачига хизмат кўрсатишни кечиктириб бажарганда ҳар бир кун учун иш ҳажмининг қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Шартноманинг 2.1. бандига асосан Пудратчи томонидан кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда Бюртмачи кўрсатилган хизматни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан кўрсатилган хизматнинг қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар маҳсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

Пудратчи етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Бюртмачи ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

Мазкур шартноманинг мажбуриятлари тарафлар томонидан қонун доирасида бажарилиши лозим.

Тарафлар шартнома бўйича, ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини тўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.

Шартнома мажбуриятлари "Пудратчи" томонидан, 45 кун ичида тўлиқ тугатилади..

VII. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача амал қилинади.

Мазкур шартноманинг бажарилиш муддатига томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

Мазкур шартнома бўйича, ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қонун тартибидан, уларни судга ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўртасида келиб чиққан, келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал қилинмагач, белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт судида ҳал қилинади.

IX . КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни қафолатлайди:

- қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайди.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

X. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли, яъни енгиб бўлмас кучлар (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган, ёнғинлар, жала, дўл, сел, сув ташқини, зилзила) туфайли бажармаганлигини исботласалар, жавобгар бўлмайдилар.

Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари лозим.

XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилди, ушбу нусхаларнинг барчаси бир ҳил юридик кучга эга.

Мазкур шартнома, мажбурий тартибда, давлат Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга киради.

XII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

ПУДРАТЧИ

«Хива Халол савдо» МЧЖ

Манзил: Хоразм вилояти. Хива туман. Гандимён МФЙ

Тел; (99) 347 13-83 (93) 922 34-37

Р/с; 20208000504810124001

АТБ Агробанк Урганч филиали

МФО 00548 Инн 301276716

БУЮРТМАЧИ

Ташкилот: **Тўрткўл тумани**
Обонлаштириш бошқармаси

Манзил: Турткул куча 55 уй

Тел: 532-33-28

ЛС 100022860352337045203110002

ИНН: 204633184

Банк: Марказий банк Т-ш Бош

МФО: 00014

Молия Вазирлиги ягона Ғазна ҳисоб
варағи, Ғазначилик бўлинмаси:
ХР: 23402000300100001010

Директор: **А. Юсупов**
М.Ў.



«17» Август 2022 йил

Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари учун энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган

140160/1 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

Комиссия раиси:

А.Юсупов- Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Р.Раимов Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов Механик, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон қилди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунинининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши хақидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 19 Август кунги №22110012140160 лот бўйича ва 2022 йил 26 Август кунги №140160 сонли баёнома бўйича ҳеч қандай эътироз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Конун талабларига ва юқоридаги кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1.Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танлов ҳужжатларидан ҳамда танолов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов ғолиби деб XIVA XALOL SAVDO MCHJ 1 045 400 000 сўм (ҚҚС билан бирга) шартнома тузилсин.


2.Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тағдирда шартнома тузиш ҳукуки кейинги катнашувчи (резерв) қилиб ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION белгилансин. Бунда Ғолиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб кўйилсин.

3.Қонун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларнинг таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.


4.Ташкилотнинг бош ҳисобчиси М.Нуриев танлов якуни бўйича ғолиб билан шартнома хужжатларини таёрлаш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.


5.Танлов комиссияси котиби Р.Раимов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сақланиши таъминлансин.


Комиссия раиси:

А.Юсупов-  Тўржўл туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев  Булим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов  Туман молия бўлими мутахассиси,
комиссия аъзоси

Р.Раимов  Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов  Механик, комиссия аъзоси

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: To'rtko'l tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 29-avgust kuni dasturga kiritilgan.

Hususan, To'rtko'l tumani Obodonlashtirish boshqarmasiga "Xiva Xalol savdo»MChJ tomonidan jami bahosi 1045400000(Bir milliard qirq besh million to'rt yuz ming) so'mlik buyurtmaga asosan, To'rtko'l tumani Kamalak ko'chasini 0-1,090 km qismini joriy ta'mirlash ishlari olib borish va bajarish ko'rsatilgan.

4. Ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 354-moddasi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgust kungi "Xo'jalik yurutuvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida "gi 670-1 sonli Qonunining 10, 13, 25, 26 va 32- moddalari, shuningek O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi O'RQ 684-sonli qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»gi 6313-sonli Farmonning 1-bandi 4 xtboshisi va 3-bob v kichik bandlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tumani Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:



D.Allabergenov
29. 08. 2022 yil